



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 4 август, № 152 (6335)

Сешанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.



БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ СИНОВИ

1 август куни республикадаги олий таълим муассасаларида тест синовлари бўлиб ўтди.



Мамлакатимизда ёш авлоднинг фаровон келажагини таъминлаш, бу борада, айниқса, уларни пухта билимли, етук малакали мутахассислар этиб тарбиялаш асосий мақсадлардан биридир. Зеро, Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилаётган юксак эътибор, ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай, энг замонавий шарт-шароитлар билан таъминланган ўқув даргоҳларида илм олишлари, салоҳият ва иқтидорларини кенг намоён этишлари учун яратилаётган беқиёс имкониятлар фикримиз далилидир.

АБИТУРИЕНТ — 2015

Кувонарлиси шундаки, бугунги кунда илм-фан, санъат, спорт, саноат, техника ва технологиялар соҳаси жадал тараққий этиб бораётган бир пайтда чуқур билим ҳамда кенг дунёқараш соҳиб бўлишга, замон билан ҳамнафас ашага интилаётган шижоатли йигит-қизларимиз сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айниқса, мамлакатимиздаги барча таълим муассасаларида ян-

гидан-янги мутахассисликлар, ўзига хос ўқитиш услублари кенг жорий қилинаётганлиги боис ёшларда илм чуққиларини эгаллашга интилиш истаги ортаётди. Талаба бўлиш орзусида олий ўқув юртиларига ҳужжат топшириб, 1 август куни тест синовларида иштирок этган минглаб ўғил-қизларнинг ҳаяжонли катъиятига гувоҳ бўлган, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Жорий йилда нуфузли таълим даргоҳларидан бири саналган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети қабул комиссиясига 18 минг 551 ариза тушди. Таълим масканининг бакалавр таълим йўналишига 1645 нафар талаба қабул қилиниши ҳисобга олинса, ўртача танлов коэффициенти 11,3 ўринни ташкил қилди. Бу, албат-

та, юртимизда таълим тизими ривожига алоҳида эътибор қаратилаётгани, устозлик мартабаси янада улуғланиб, ушбу касб соҳиблари юксак кадр ҳамда эҳтиромга муносиб кўрилаётганлиги туйғайди.

Мазкур ўқув юрти қабул комиссияси вакилларининг таъкидлашича, жорий йилда абитуриентларга тест синовларини му-

вафқиятли топширишлари учун зарур қулайликлар яратилди. Синовлар ўтказилган ҳар бир бинода махсус штаб ташкил қилинган бўлиб, тартибни таъминлаш, шунингдек, зарур ҳолларда, шошилиқ тиббий ёрдам кўрсатиш учун тегишли соҳа ходимлари жалб этилди.

(Давоми 4-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида Нукусда бунёд этилган 58 хонадонли “Камолот” уйлари ёш оилаларга топширилди.

Ёш оилаларга «Камолот» уйлари топширилди



Мақсад ХАБИБУЛЛАЕВ (ўса) олган сурат.

Бу улар учун мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги байрами олдидан ажойиб совға бўлди.

Маълумки, юртимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва иқтидорини юзага чиқариш, улар учун муносиб турмуш шароити яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. “Камолот” уйлари ҳам ана шу йўлдаги муҳим қадамлардандир.

— Барча қулайлик ва шарт-шароитга эга хонадонга қўчиб кирдик, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходими Ч. Сейтназаров. —

Бундан оила аъзоларим, хусусан, қизим Динарнинг қувонганини кўрсангиз эди. Вазирлик тизимида фуқаролар муурожаатлари йўналишида фаолият олиб бораман. Камтарона меҳнатимга шунчалик эътибор кўрсатилганидан беҳад мамнунман.

Шу ўринда Тўрткўл, Нукус, Хўжайли туманларида ҳам ана шундай уйлар қурилиши жадал давом эттирилаётганини айтиш жоиз. Ушбу уйлар энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида ўз эгаларига топширилади.

Хидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ КАТТА ИМКОНИЯТИ

Бир неча ўн йил аввал «нанотехнология» тушунчаси ҳақида тасаввурга ҳам эга эмас эдик. Бугунги кунда ҳар бир инсон кундалик ҳаётида кенг фойдаланаётган замонавий техника воситалари эса мўъжизадек туюларди.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

Нанотехнология ютуқлари электроника, биология, тиббиёт, энергетика, материалшунослик ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Улар цемент, қошин, металл қотишмалари, лок-бўёқ ва бошқа кўплаб материаллар ишлаб чиқариш жараёнларига жорий қилинган. Бироқ бундай кўрсаткичларга эришилаётганига қарамасдан, гоят катта имкониятларга эга нанодунё ҳалигача тўла ўрганилгани йўқ.

Сўнгги ўн йилда нанотехнологиялар Ўзбекистон саноати, қишлоқ хўжалиги, тиббиёти ва бошқа қатор соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти ҳам бу борадаги ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Институтда 2008 йилдан буён нанотузилмалар материаллар синтези ва уларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиб келинмоқда. Кейинги йилларда кумуш, уг-

лерод, мис, титан ва бошқа элементлар нанозаррачаларини синтез қилиш учун энергия талаб қилмайдиган технологиялар ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз қорхоналари улардан иқтисодиётимизни ривожлантиришда изчил фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистон аҳолиси нанотехнологиялар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан кундалик ҳаётида фойдаланаётди. Масалан, институт олим-

лари томонидан ишлаб чиқилган технологиялар асосида синтезланган кумуш нанозаррачалари қатор гигиена воситаларига қўшилмоқда. Бу эса маҳсулотларнинг бактерицид ҳамда даволаш хусусиятини ошираётди.

2014 йили Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт марказида ўтказилган клиник тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ишлаб чиқарилаётган кумуш нанозаррачалари эритмаси тери аллиланиши касалликлари, хусусан, экзема, юқумли дерматит, микоз ва бошқа хасталикларда ёрдам беради.

(Давоми 2-бетда).

АВГУСТ ОЙИ ПАХТА РИВОЖИДА, ҲОСИЛ ТЎПЛАШДА ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ФАСЛДИР

Айни кунларда миришкорлар учун масъулиятли давр бошланди. Яъни деҳқонлар ибораси билан айтганда, август ойи — ҳосилга барака киритадиган палла. Шундай экан, бу мавсумда астойдил меҳнат қилган одам барака топади.

Парваришдаги муҳим жараён

Кўп йиллик тажрибамиздан маълумки, август ойида агротехника тадбирлари пайсалга солинса, не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосил бой бериб қўйилиши ҳеч гап эмас. Шу боис бу паллада сув ва маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти катта. Масалан, ғўза “шарбат” усулида суғорилса, ерда намлик узоқ вақт сақланиб, ниҳол-

нинг тез чанқашини олди олинади. Суғоришлар оралиғи узаяди. Натижада кўсақларнинг тезроқ етилиши ва янги кўсақлар пайдо бўлишига эришилади.

Мутахассислар фикрича, пахтадан юқори ҳосил олишни истаган деҳқон култивация ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим. Чунки бу тадбир сифатли ўтказилса, ниҳол туллари

орасида ҳаво алмашинуви яхшиланади, кўсақларга иссиқ ҳаво тегиб, тез тўлишади. Қисқача айтганда, ғўза ниҳоллари “яйрайди”. Бунда, албатта, кўсақлар тўқилишига йўл қўймаслик керак.

Мабодо, култивация кечиктириб ўтказилса, жўяқлар қуриб, юзаси ёрилади. Ғўза илдизлари шикастланиб, намлик тез йўқотилади, гул

ва гўнчалар тўқилиб, ҳосилдорлик 15-20 фоиз камаяди. Пахтачиликнинг яна бир нозик жиҳати шундаки, август ойида ҳаво кундузи иссиқ, кечаси салқин бўлади. Бундай вазиятда ўргимчаккана, кўсақ қурти, беда қандаласи, қора шира каби зараркундалар кўпайиши мумкин. Шу туйғайли уларга қарши курашишда олимларимиз томонидан тавсия

этилаётган биологик усулни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Негаки, бу усул атроф-муҳит учун ҳам, экин учун ҳам зарарсиз. Нафи эса жуда юқори. Демак, деҳқону фермер август ойининг ҳар бир дақиқасини ганимат билиб меҳнат қилса, қўзланган мақсадига, албатта, эришади.

(Давоми 2-бетда).



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар дунё ҳамжамияти диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда. Хорижлик экспертлар иқтисодий ўсиш, аҳоли фаровонлиги ва фуқаролик фаоллиги юксалиши борасида ҳавас қилишга арзигulik натижаларни намоён қилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг “Ўзбек модели”ни катта қизиқиш билан ўрганаётганлар.

Экхард ПРИЛЛЕР: «Ўзбекистон — жадал ривожланаётган мамлакат»

Франция, Бельгия, Германия, Италия, АҚШ, Жанубий Корея, Ҳиндистондан келган экспертлар иштирокида ташкил этилган “Мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш: Ўзбекистон тажрибаси ва хорижий амалиёт” мавзусидаги халқаро давра суҳбати асосида социология фанлари доктори, Германия Фуқаролик фаоллиги федерал тармоғи, Берлин ижтимоий тадқиқотлар илмий маркази доимий иш олиб бормоқда.

Экхард Приллер фуқаролик жамияти ривожланиши соҳаси олими ҳамда эксперти сифатида Ўзбекистонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга катта қизиқиш билдириб, мамлакатимиздаги ижтимоий жараёнларни ўрганоқда. У халқаро кузатувчи сифатида парламент ва Президент сайловларида қатнашган. Республикада фуқаролик жамиятини шакллантириш мавзусида ўтказилган илмий-амалий жараёнларни, семинарлар, давра суҳбатларида қатор йиллардан буён қатнашиб келмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлиси 2015 йил 6 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2015 йил 5 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

(Давоми 2-бетда).



Ёш тадбиркор Достон Эштемиров Сирдарё саноат касб-хуна...



Реклама ўрнида

ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР САМАРАСИ

Айни пайтда "Даврон Достон ҳамкор" фермер хўжалиги раҳбари сифатида фаолият юритаётган Достон Эштемировнинг ишлари юришиб кетган.

худа эътибор қаратилапти. Пировардида ишбилармон аёллар фаолият юритаётган кўп...

180 миллион сўм миқдорда кредит ажратди. Ҳозир бу маблағни музқаймоқ ва нон маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми...

ички бозорни маҳаллий корхоналарда тайёрланган сифатли маҳсулотлар билан тўлдир...



"Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" шiori остида иш олиб борамиз, — дейди "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки Сирдарё вилояти филиали бошлиғи Рустам Файзиёв.

роқредитбанк"нинг Гулистон шаҳар филиалидан 48 миллион сўм кредит олгандик, — дейди Гулистон шаҳридаги "Жасур Умид сервис" хусусий корхонаси раҳбари бор. Боиси, Санобар айнан шу молия муассасасининг 5 миллион 900 минг сўмлик имтиёзли кредити орқали миллий ширинликлар тайёрлашни йўлга қўйди.

лишларидан бири ҳисобланади. Шу боис унга мурожаат қилувчиларнинг асосий қисмини ушбу соҳа вақиллари ташкил этади. Масалан, Ҳозир Сирдарё вилоятидаги 2800 дан зиёд ана шундай хўжалик субъекти айнан "Микрокредитбанк" мижозларидир. Қувонарлиси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириладиган сармоялар туфайли худудда мазкур тармок жадал равақ топиб, замонавий хизмат кўрсатиши,

бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар миқдор...

Банкнинг имтиёзли сармоялари ҳисобига ташкил қилинган ва ривож топаётган бундай корхоналар фаолиятдан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ. Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Хизматлар лицензияланган.

ЖАХОН 24 СОАТ ИЧИДА

Дунёдаги йирик банклардан бири "HSBC" Бразилиядаги бўлимини 5,2 миллиард АҚШ долларига сотишни маълум қилди.

Бўлимини сотмоқчи



"Bloomberg" агентлигининг ёзишича, ҳозир маҳаллий "Banco Bradesco" мазкур молия муассасасига давogarлик қилапти. "HSBC" шартлариغا кўра, юқорида кўрсатилган сумма тўлиқ пул шаклида ҳисоб рақамга ўтказиб берилиши керак.

«Тилсиз ёв» келтирган талафот

АҚШнинг Калифорния штатида давом этаётган кучли ўрмон ёнғинлари оқибатида 20 киши ҳаётдан кўз юмган.

Бу ҳақда "CNN" телеканали хабар тарқатди. Бундан ташқари, тобора қамрови кенгайиб бораётган "тилсиз ёв" туфайли қарийб 12 минг нафар аҳоли эвакуация қилинди. Ҳозир ёнғинга қарши курашга 9,3 минг нафар ўт ўчириш хизмати вакили жалб этилган.

Фаолиятини кенгайтиради

"Uber Technologies" компанияси яқин тўққиз ой ичида Хиндистонда ўз фаолиятини янада кенгайтириш учун бир миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя киритади.



Умуман, "Uber Technologies" ҳозир дунёнинг 57 та мамлакатда ўз хизматини йўлга қўйган.

Темир йўлдаги ҳодиса

Франциянинг Бретань вилоятида темир йўл ҳодисаси содир бўлди.

Бу ерда Ле-Ман ва Ренн шаҳарлари ўртасида рейсини амалга ошираётган тезорар поезд трактор билан тўқнашиб кетган. Бунинг оқибатида тракторчи ва машинист тан жароҳати олган. Поезд эса темир издан чиқиб кетган. Қўнғилсиз воқеа юз берган пайтда унда 450 нафар йўловчи бор эди.

Бу сўнгги қўнғилсиз воқеа Францияда юз берган иккинчи темир йўл ҳодисасидир. Олдинроқ "Марсель — Мадрид" йўналиши бўйича ҳаракатланаётган тезорар поездинг локомотиви ёниб кетиши туфайли 250 нафар йўловчини эвакуация қилишга тўғри келганди.

Симсиз қувват мосламаси

Жанубий Кореянинг "Samsung" компанияси мобиль алоқа воситаларини симсиз қувватлантириш имконини берувчи "SE370" мониторинги ишлаб чиқди.



У мазкур функцияни бажарадиган дунёдаги биринчи монитор ҳисобланади. 23,6 ва 27 дюймли ушбу инновация "Qi" стандартида симсиз қувватланадиган барча мобиль қурилмасига мосланган.

Бунинг учун телефонни мониторингда заряд майдончасига жойлаштириш талаб этилади. Шунда қувватланиш жараёни автоматик тарзда бошланади.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Билдириш

"Халқ сўзи" газетасининг 2015 йил 11 июлдаги 136-сон ва 2015 йил 18 июлдаги 141-сонда чоп этилган хабарномаларда 2015 йил 23 февралдаги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўчмас мулкларнинг 2015 йил 4 август кунига белгиланган аукцион савдоси Миробод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2015 йил 31 июлдаги хатига асосан тўхтатилади.

"Capital realtor group" МЧЖ маъмурияти.

Тошкент ирригация ва мелiorация институти жамоаси техника фанлари доктори, профессор Маҳмуд ИСМАИЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия ишонч этади.

ЭЪЛОНЛАР

Хўрматли ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР! «Universal realtor» МЧЖ тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган оммавий оферта савдоларига тақриф этади.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларга Тошкент шаҳри, Юнусobod тумани, Амир Темур шоҳқўчаси, 101-уйда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг шуъба корхонаси бўлган «Qorasuv savdo» МЧЖ балансидаги Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри, Андижон кўчасида жойлашган 50 та савдо дўкони мажмуи кўйилмоқда.

Савдога қўйилган объект тавсифи — савдо дўконларининг умумий майдони 1934,16 кв.м.

Бошлангич баҳоси — 1 698 612 397 сўм. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар шартлари: * тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар голиби кўчмас мулк сотилиш баҳосининг 20 фоизи миқдоридида маблағни савдо ўтказилгандан сўнг бўнак пули сифатида, сотувчи билан олди-сотди шартномаси имзоланган санадан сошлаб 30 (ўттиз) кундан кечиктирмасдан тўлаши лозим, қолган қисмини олди-сотди шартномаси асосида 90 (тўқсон) кундан кўп бўлмаган муддатда сотувчининг тегишли ҳисоб рақамига тўлаши шарт; * тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар голиби савдо натижалари тўғрисидаги баённома расмийлаштирилган кундан бошлаб 20 кун муддат ичида сотувчи билан

объект олди-сотди шартномасини имзоланган шарт; * олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳужжатларни расмийлаштиришда зарур бўладиган давлат божи, савдо ташкилотчисига тўланадиган комиссия тўловлар ҳамда юзага келадиган бошқа барча харажат харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар ҳамда талабгорлар тақлифи билдирилган конвертларни очиб 2015 йил 8 сентябрь кўни соат 12.00 да Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳқўчаси, 39-уй, Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банк Андижон вилояти бўлими биносида бўлиб ўтади. Талабгорларнинг тақлифи билдирилган конвертлар ва бюртномаларни қабул қилиш эълон чоп этилган санадан бошлаб иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уйда қабул қилинади. Талабгорлардан тақлиф ва бюртномаларни қабул қилиш 2015 йил 7 сентябрь кўни соат 18.00 да тўхтатилади. Ушбу кўчмас мулклар 2015 йил 8 сентябрь кўни тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларга сотилмай қолган тақдирда, уларнинг такрорий савдолари 2015 йил 10, 15, 17 сентябрь кўнлари соат 12.00 да юқорида кўрсатилган шартларда ва савдонинг ўтказиш манзилида бўлиб ўтади. Такрорий савдолар бўйича тақлиф ва бюртномаларни қабул қилиш 2015 йил 9, 14, 16 сентябрь кўнлари соат 18.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тақлифлари савдо ташкилотчисига бевоСИТА ёки почта орқали, шахсан ёхуд ўзининг ваколатли вакили орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этилади; * юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусخаси, ваколатли вакил учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; * жисмоний шахслар учун — паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қўнун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда; * тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдолар тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига зақалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси; * икки нусхада муҳрланган конверт ичида сотиб олиш суммаси ва тўловларни тўлаш муддатлари тўғрисидаги тақлифлар. Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгор имзоси ва муҳри билан (юридик шахслар учун) тасдиқланган бўлиши лозим. Тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш йўли билан ўтказиладиган савдоларда иштирок этиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчисига билан зақалат пули тўғрисидаги келишувни имзолангандан сўнг объект бошлангич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини "Universal realtor" МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Тошкент шаҳар филиалидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104975228001, МФО: 00445, СТИР: 302269399.

Кўшимча маълумот олиш манзили: 1. «Qorasuv savdo» МЧЖ, Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Қорасув шаҳри, Андижон кўчаси. Телефонлар: (+99890) 527-10-13, (+99893) 706-99-91. 2. «Universal realtor» МЧЖ, 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй. Телефон: (0-371) 150-35-55. Факс: (0-371) 236-74-67. www.realtor.uz E-mail: universal_realtor@mail.ru

Хизматлар лицензияланган.

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 11 июлдаги 136-сон ва 2015 йил 18 июлдаги 141-сонда чоп этилган хабарномаларда 2015 йил 23 февралдаги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган кўчмас мулкларнинг 2015 йил 4 август кунига белгиланган аукцион савдоси Миробод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2015 йил 31 июлдаги хатига асосан тўхтатилади. «Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.

БИЛИМ ВА ЗАКОВАТ СИНОВИ



Аъло АБДУЛЛАЕВ ва Ёлқин ШАМСИДДИНОВ (ЎЗА) олган суратлар.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Бу йил таълим муассасамизнинг тарих ва ўқитиш методикаси, ўзбек тили ва адабиёти, инглиз тили ҳамда меҳнат таълими йўналишларига энг кўп ҳужжат топширилди, — дейди ўқув юрти қабул комиссиясининг масъул котиби

Валижон Ишқувватов. — Энг муҳими, абитуриентлар тест синовларини муваффақиятли топширишлари учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Синовлар 19 та бинода, олти юзга яқин гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилди.

Мазкур таълим масканига ҳужжат топширган аби-

туриентларнинг ота-оналари ва яқинларига қулайлик туғдириш мақсадида шу ҳудуддаги маҳаллалар фаоллари эзгу ташаббусни илгари суришди. Университет ёнидаги Бобур номидаги истироҳат боғида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан ташриф буюрганлар учун махсус ку-

тиш жойлари ташкил этилди. Эътиборлиси, бу ерда бир пиёла чай устида бемалол суҳбат қуриш имкони яратилди.

— Қизим Нодира болалигидан «Катта бўлсам ўқитувчи бўламан», деб ният қиларди, — дейди Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидан келган онахон Мавлуда Иброҳимова. — Ана шу орзуси уни Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўзбек тили ва адабиёти йўналишига ҳужжат топширишга етаклади. Қизимнинг танлаган йўлидан қайтмай, албатта, талаба бўламан, дея тинимсиз ўқиб изланганлигини кўриб, қалбимда фахр туйдим.

Янги ўқув йилида Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг 11 таълим йўналишига 8731 нафар абитуриентдан ҳужжат келиб тушди. Умумий қабул 790 тани ташкил қилиб, 295 таси давлат гранти, 495 таси эса тўлов-шартнома асосида белгиланди.

Мазкур таълим даргоҳи қабул комиссияси масъул котиби Алишер Усонқу-

ловнинг айтишича, абитуриентлардан энг кўп ҳужжат касб таълими (енгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси) йўналишига келиб тушди. Бу ерда бир ўрин учун 21,4 нафар абитуриент «беллашди».

— Синовларда тартиб-интизом қатъий назорат қилинганлиги боис хотиржам кайфиятда тест жавобларини белгилладим, — дейди таассуротлари билан ўртоқлашган қашқадарёлик Нодир Раҳмонов. — Адолат ва ҳаққонийлик бор ҳолда киши ўзига бўлган ишонч-ни йўқотмас экан. Шунинг учун ҳам тест жавобларини ечишда ортиқча қийналмадим.

Биз ҳам эртамаиз эгалари, келажакнинг таянчи ва сунъий бўлиши ёшларимизнинг шижоати, қатъияти, интилишига боқиб, ич-ичимиздан қувондик, комил инсон бўлиб етишишни мақсад қилган бу ўғил-қизларга омадлар тиладик!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказидан маълум қилишларича, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий ўқув юрларида тест синовлари адолатли ўтиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

2015 йил — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллиги ҳамда Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан «Бетакроримсан, яғонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!» шиори остида тадбир бўлиб ўтди.

Кўнгилларда байрам сурури

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Нуроний» жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган мазкур урғашувга маҳалла фаоллари, нуронийлар ва ёшлар таклиф этилди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугун истиқлол фарзандларининг замон талабларига мос таълим-тарбия олишлари, зарур касб-хунар сирларини ўрганишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Энг муҳими, улар бу каби ғамхўрликлардан унумли фойдаланиб, ўзларининг ноёб иқтидорларини турли йўналишда намоён этиб келишяпти. Бинобарин, навқирон авлод вакиллари миллий мусиқа санъатига ошно этиб тарбиялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларида барпо этилган мусиқа ва санъат мактабларида мумтоз ҳамда жаҳон мусиқасининг ноёб сир-асрорлари чуқур ўргатилаётир.

«Кексаларни эъзозлаш йили»

Давлат дастурига кўра, республикамизда уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионерларга ҳам қачонгидан ҳам юксак ҳурмат ҳамда эътиром кўрсатилаёпти.

— Умримизнинг энг гаштли ва сурурли онларини бошдан кечираёямиз, — дейди 3-Дархон маҳалласида истиқомат қилувчи Абдурашид ота Нурбоев. — Юртимиздаги тинчлик-осудаликка, халқимизнинг фаровон турмушига кўз тегмасин. Байрамлар байрамларга уланаверсин.

— Яхши куй-қўшиқ кишиларга эстетик завқ бағишлайди, эзгуликка етаклайди, — дейди Ўзбекистон халқ ҳофиси Оролмиро Сафаров. — Халқимизнинг гўзал ва унутилмас оханглари нуронийларимизга манзур бўлмоқда.

Тадбирда таниқли санъаткорлар, халқ бадийи жамоалари, ашула ҳамда рақс ансамбллари ижросидаги Ватан, истиқлол, тинчлик, ёшлик ва муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Дилмурод СОДИҚОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР



AGROBANK

“Fitch Ratings”
халқаро рейтинг агентлиги
2015 йил 27 июлда
“Агробанк”
акциядорлик тижорат банкининг
халқаро рейтингини
“БАРҚАРОР”
дея қайта тасдиқлади.

www.agrobank.uz Хизматлар лицензияланган

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

хорижий ва маҳаллий сармоядорлар ҳамда мулкдор бўлиш истагидаги фуқароларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида ташкил этилаётган оммавий савдоларга таклиф қилади.

Телефонлар: (0-371) 228-84-48, 200-10-01.
Факс: (0-371) 228-80-24.
Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Қашқадарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиш бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этилади.

I. Аукцион савдосига Ғузор тумани СИБ томонидан ЖИБ Қашқадарё вилояти судининг 2010 йил 10 майдаги 2-32-09/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ғузор туманида жойлашган, умумий майдони 20200,0 кв.м., қурилиш майдони 6480,36 кв.м., қурилиши тугалланмаган «Ғузор ипак йўли» савдо мажмуаси такроран қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 976 645 068 сўм.
Аукцион савдосига 2015 йил 20 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 18 август куни соат 18.00.

II. Аукцион савдосига Шаҳрисабз тумани СИБ томонидан Қашқадарё вилояти Ҳўжалик судининг 2015 йил 26 мартдаги 18-1503/2325-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Шаҳрисабз тумани, «Мўминобод барака» фермер ҳўжалигига қарашли қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Шаҳрисабз тумани, «Шакартери» ҚФЙ, Мўминобод қишлоғида жойлашган, ер майдони 68170,0 кв.м., қурилиш майдони 6893,45 кв.м. бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 390 000 000 сўм.

2. Шаҳрисабз шаҳри, «Пахтакор» МФЙ, Ипак йўли кўчасида жойлашган, ер майдони 1742,0 кв.м., қурилиш майдони 827,76 кв.м. бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 275 000 000 сўм.
Аукцион савдосига 2015 йил 4 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2015 йил 2 сентябрь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатиде ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотeka-банк» Қашқадарё филиалида қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000004920609009, МФО: 00190, СТИР: 207122519.

Манзил: Қарши шаҳри, «Қарликхона» МФЙ, Тошсарой кўчаси, 20-уй.
Телефон (0-375) 225-44-68. www.1kms.uz
Хизматлар лицензияланган.

«Қибрай»
клиник санаторийси

юрақ-қон томир ва асаб тизими касалликларини даволаш бўйича мамлакатимиздаги етакчи ихтисослаштирилган сиҳатгоҳдир. Бу ерда 2 нафар профессор, олий тоифали кардиолог, невропатолог, пульмонолог ва бошқа етук мутахассислар тиббиётнинг энг илғор усуллари асосида беморларни даволайдилар.

Фин, турк, япон сауналари, бассейн ва жакузи ванналари, фитобочка, инфракизил нур билан даволаш хонаси ишлаб турибди.

Сиҳатгоҳда фитобар, теннис корти ва яна кўплаб қулайликлар мавжуд. Яшаш хоналари кабель ТВ ва маиший электр асбоблари билан жиҳозланган.

Ошхонада 5 маҳал парhez таомларни ўз ичига олган таомнома тавсия қилинади.

Манзилимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай қўрғони.
Метронинг «Буюк Ипак йўли» бекатидан 101-автобус ёки 135-йўналишли таксида «Дача» бекатигача бориш мумкин.
Тел.: (0-371) 286-01-46, 286-02-00, 286-01-97.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

«FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган илҳам, қулак ва камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.

Мотокультиваторлар 6, 6,5 ва 9 от кучига эга. Дизель ва бензин ёнилғисиде ишлайди.

Маҳсулотлар сертификатланган.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўча, 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идора).
Маълумот учун тел.: (+99890) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ



2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 74 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни кўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.40 Топширилди — 21.25 1 2 3 4 5

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.